O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJONVILOYATI BULOQBOSHI TUMANI HOKIMINING QARORI

Buloqboshi t, Mirzakalon Ismoiliy ko’cnasi 6-uy

2021 - yil 9 - oktabr 27-1-20-Q/21 Buloqboshi tuman hokimligi

Булоқбоши туманидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида

Булоқбоши тумани ҳамда Кулла қишлоғи марказини кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракатланишида тирбандликлар юзага келишининг олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Булоқбоши туман ички ишлар бўлими бошлиғи О.Акбаровнинг 2021 йил 19 апрель кунги 37/8-612 сонли ҳамда Булоқбоши туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори И.Собировнинг 2021 йил 17 апрель кунги 54-сонли хатларини кўриб чиқиб, *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда)*, “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуннинг 7 ва 20-моддалари *(Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2007 йил, 40-сон, 410-модда)*, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 348-сонли қонуни *(Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2015 йил, 15-сон, 197-модда)* ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарорига *(Ўзбекистон Республикасининг ҲҚ 2015 йил, 12-сон, 109-модда),* Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддалари, асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Булоқбоши туман ички ишлар бўлими бошлиғи О.Акбаровнинг 2021 йил 19 апрель кунги 37/8-612 сонли ҳамда Булоқбоши туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори И.Собировнинг 2021 йил 17 апрель кунги 54-сонли хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Булоқбоши туманидаги умумфойдаланувдаги 4р-137 “Хўжаобод–Булоқбоши-Кулла-Ўқчи” автомобиль йўлининг 7-8 километрлари оралиғига 3.27 “тўхташ тақиқланган” ҳамда 3.4 “Юк автомобилларининг харакатланиши тақиқланган” йўл белгиларини ўрнатишга, 4р-251 “Тошкент–Ўш йўлидан Булоқбошига кириш” автомобиль йўлининг 9-10 километрлари оралиғига, “Булоқбоши-Ширмонбулоқ-Қўрғонча” автомобиль йўлининг 0-1 километрлари оралиғи ва 4к-92а-“Куллага кириш” автомобиль йўлининг 2-3 километрлари оралиғига 3.27 “тўхташ тақиқланган” йўл белгиларини ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (И.Собиров)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (О.Акбаров)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт

воситаларининг мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишини ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Булоқбоши туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари И.Юлдашевга ушбу қарорни “Булоқбоши” газетаси, туман ҳокимлигининг веб сайтига жойлаштирилишини ҳамда қоғоз ва электрон шаклда бир кунлик муддатда давлат ҳисобига олиш мақсадида туман адлия бўлимига ва тегишли ташкилот раҳбарларига етказиш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ф.Норматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Mamurov O. K.**